

Мавзу: Махсус фанларни ўқитишда қўлланиладиган инновацион технологиялар: Лойиҳавий таълим

Режа:

- 1. Лойиҳавий таълимни
ривожланиш тарихи.***
- 2. Лойиҳавий таълим турлари.***
- 3. Ўқув лойиҳавий фаолиятни
ташқиллаштириш.***



Талабаларнинг билиш фаолияти тавсифига кўра таълим методлари таснифи



Таълим методининг номланиши	Ўқитувчи фаолияти	Талаба фаолияти

Талабаларнинг билиш фаолияти тавсифига кўра таълим методлари таснифи



Таълим методининг номланиши	Ўқитувчи фаолияти	Талаба фаолияти
Ахборотли-рецептив	Ўқув ахборотини узатиш, ўрганилаётган объект билан ўқувчи ҳаракатини ташкил этиш	Билимларни идрок этиш, англаш ва ёдда сақлаш.
Йўриқномавий-рецептив	Билимлар ҳамда ақлий ва фаолият усуллари ҳосил қилишга доир топшириқларни тузиш ва тақдим этиш	Намуна асосида билимларни ҳамда ақлий ва фаолият усуллари эгаллаш.
Эвристик (қисман-изланиш)	Муаммони қўйиш ва уни ҳал этишга доир қадамлар кетма-кетлигини режалатириш. Ўқувчилар фаолиятини бошқариш	Қўйилган вазифа билан боғлиқликда муаммони ҳал этиш йўллари мустақил излаш ва ўқитувчининг қисман кўмаги ёрдамида муаммони ҳал этиш
Тадқиқотчиликка доир	Мустақил ҳал этишга доир муаммоли вазифаларни шакллантириш. Муаммони ҳал этилиш жараёнини назорат қилиш	Муаммони мустақил ҳал этиш.

1. Лойиҳавий таълимни ривожланиш тарихи

Лойиҳавий таълим педагогика амалиётида 300 йилдан ортиқ қўлланилиб келмоқда. Немис педагоги М. Кноллинг тадқиқотида кўра, «лойиҳа» тушунчасининг пайдо бўлиши XVI асрга тааллуқли бўлиб, италиялик меъморларнинг меъморликни фан деб эълон қилиб, уни ўқув фанлари даражасига чиқарган ҳолда ўз фаолиятларини касбга айлантиришга уринишлари билан боғлиқ.

XVIII аср охирида муҳандислик касблари пайдо бўлиши натижасида ўқув лойиҳаси дастлаб Франция, сўнгра Германия, Австрия, Швейцарияда, XIX аср ўрталарида эса АҚШдаги техника ва саноат олий мактабларида қўлланила бошланган.





Америкалик педагоглар В. Килпатрик, Е. Коллингс ва Е. Пархерстнинг ишларида ривожлантирилди, улар таҳсил олувчиларнинг нафақат фаол ўрганиш фаолияти, балки биргаликдаги меҳнат, ҳамкорлик асосидаги фаолиятини ташкил эта бошладилар.

Лойиҳалар усули «ўқитиш усули» дидактик тоифа сифатида XIX аср бошларида шаклланди. Бу даврда прагматик педагогика доирасида «эркин тарбия» ғоялари юзага келди.

1911 йилда АҚШ Тарбия бюроси «лойиҳа» атамасини қонунлаштирди ва у америка педагогикасида янада мустақамлана бошлади



Лойиҳа» атамаси ижтимоий фанлар соҳасига техника соҳасидан ўтган бўлиб, «Лойиҳа (лотинча-projectus-таржимада олдинга ташланган) – аниқ қоидаларга мувофиқ у ёки бу соҳа ҳолатини қайта қуришнинг асосий ғоясини англатади.

Таълим маъносидаги лойиҳалаштириш ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан то оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир.



Лойиҳавий таълимнинг муҳим белгилари:

Муаммога йўналтирилган ўқув изланишини тизимли ташкиллаштириш ўқув муҳитини яратади

Талабаларга мустақил ҳаракат қилиш, (амалиётга йўналтирилган) аниқ якуний натижа олишни таъминловчи ўқув муҳитини яратади

Муаммога йўналтирилган ўқув изланишини тизимли ташкиллаштириш ўқув муҳитини яратади

Фан билимларини мустаҳкамлашга ва уларни ривожлантиришга ёрдам берувчи ўқув муҳитини яратади

Ҳақиқий ҳаёт билан таълимнинг мустаҳкам алоқасини ўрнатади



2. ЛОЙИХАВИЙ ТАЪЛИМ ТУРЛАРИ

Тадқиқотчилик лойиҳалари- бу илмий изланиш хусусиятига эга бўлиб, қуйидаги ишларни бажариш ва аниқлаш назарда тутилади:

- муаммони долзарблигини
- Тадқиқот мақсадини
- Фараз, вазифаларни
- Муаммони ўрганиш усулларини

Ахборотли лойиҳалар– ўқув жараёни ёки бошқа буюртмачилар учун муҳим бўлган ахборотларни йиғишга йўналтирилган

- Лойиҳани ишлаб чиқиш турли манбалардан: монография, журнал мақолалари, газета нашрлари, социологик сўровномалар, электрон маълумотларни излаш билан боғлиқ.
- **Лойиҳа натижаси** – буклет, нашр, Интернет саҳифаси шаклидаги тақдим этилган, танлаб олинган, таҳлил қилинган, умумлаштирилган, тизимлаштирилган ахборотдир.

Амалий лойиҳалар- аниқ амалий, ўқитувчининг буюртмаси бўйича муаммони ҳал этишга йўналтирилади (услубий лойиҳа).

Масалан: “Менежмент” фани бўйича машғулотда бажарилган назарий лойиҳа ва ишлаб чиқаришнинг ташкилий маданиятини тадқиқ ва таҳлил қилишга йўналтирилган лойиҳа “Савдо дўконини махсуслаштириш ва савдо корхонасининг ташкилий маданияти” видеофильмини тайёрлаш билан борилади ва бу ўқув материали сифатида қўлланилади.

Ўқув фанларига боғлиқликда ишлаб чиқладиган лойиҳа турлари

Бир фанли лойиҳа

- бунда лойиҳа бир фан доирасида амалга оширилади.

Фанлараро лойиҳа

- бунда бошқа фанлар материали асосида аниқ фан ўрганилади.

Фан ташқарисидаги лойиҳа

- аниқ фан доирасидан ташқарида амалга ошириладиган ишлар назарда тутилади.

Ўқув фанларига боғлиқликда ишлаб чиқладиган лойиҳа турлари

Қисқа муддатли лойиҳа

- бу бир неча машғулотларда ёки талабаларнинг мустақил иш жараёнида ишлаб чиқилади.

Ўрта муддатли лойиҳа

- бу бир ҳафтадан бир ойгача ишлаб чиқилади.

Узоқ муддатли лойиҳа –


- бир ва бир неча ойгача ишлаб чиқилади.

“Ўқув лойиҳавий фаолият” тушунчаси

Бу қўйилган вазифага эришиш, таълим олувчилар учун муҳим ва аниқ фойдаланувчига мўлжалланган бирор-бир яқуний **МАХСУЛОТ** кўринишида расмийлаштирилган, **МУАММОНИ** ечиш учун таълим олувчиларнинг белгиланган изчилликдаги ҳаракатлар мажмуаси



Ўқув лойиҳавий фаолият: тузилиши ва мазмуни



3. Ўқув лойиҳавий фаолиятни ташкиллаштириш

Ўқув лойиҳавий фаолиятнинг босқичлари

- **Тайёргарлик босқичи:**
лойиҳага киришиш, лойиҳа фаолиятини ташкил этиш ва режалаштириш – *аудитория* иши.
- **Лойиҳани бажариш босқичи** – аудиториядан ташқари иш.
- **Яқунловчи босқич:**
лойиҳа такдимоти, талабалар маҳсулоти ва лойиҳа фаолиятининг баҳоланиши, лойиҳа фаолияти рефлексияси – *аудитория* иши.



Лойиҳа устида ишлашни ташкиллаштириш

1-босқич - муаммони излаш ёки шакллантириш. Муаммо манбаси бўлиб қуйидагилар бўлиши мумкин:

Ишлаб чиқаришга саёҳат ва унинг фаолиятини таҳлили, ечилмаган муаммоларни анқилаш;

Ўқитувчи томонидан аниқ ижтимоий ва ишлаб чиқариш вазиятлари баёни;

Ўқув жараёнини такомиллаштиришга оид аниқ вазифалар (услубий ва дидактик воситалар, қўлланмалар, тавсиялар, талабаларни мустақил ишлашлари учун материаллар, алоҳида савол ва мавзулар бўйича видеофильмларни ишлаб чиқиш).

- Бу босқичда ўқитувчини асосий вазифаси – талабаларни муаммони англаб етишга олиб чиқиш, уни ечишга бўлган мотивацияни ва ўқув лойиҳанинг маҳсулини-аниқ натижани олишни яратиш ҳисобланади.

2-босқич, ижодий гуруҳларни шакллантириш, жуфтликда ва гуруҳли шароитда амалга оширилади.

Лойиҳа турига қараб (ижодий лабораториялар, ижодий устахоналар, конструкторлик бирлашмалар).

3-босқич, *ўқув лойиҳа устида ишлашни режаслаштириш:*

Ахборот манбалари аниқланади;

Ахборот йиғиш ва таҳлил қилиш йўллари аниқланади;

4-босқич, ахборотни излаш ва йиғиш, бунда асосий талаб турли манбалардаги ахборотлар (адабиётларни ўрганиш, анкеталар, интервью, сўровномалар, кузатиш, оммавий ахборот воситаларини ўқиш ва таҳлил қилиш) ҳисобланади.

5-босқич, ахборот таҳлили, лойиҳани ишлаб чиқиш учун олинган материалларнинг ҳамкорий муҳокамаси амалга оширилади.

6-босқич, лойиҳани расмийлаштириш ва тақдим этиш. Натижаларни расмийлаштириш турлича бўлади: ёзма ҳисобот, амалий тавсияномалар (компьютер вариантыда), видеофильм, техник қурилмани макетини тайёрлаш.

7-босқич, иш натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Бунда:

Лойиҳа муаллифларининг ўз фаолиятлари натижарини ўзи таҳлил қилиши;

Лойиҳа сифатини ўқитувчи ва бошқа талабаларни баҳолаши.

ЎҚУВ ЛОЙИҲА “ТОШКЕНТ – ШАРҚ ЮЛДУЗИ”

ЛОЙИҲА ТОПШИРИҒИ

- **Кириш.** Жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистонга қизиқиш ўсиб бормоқда, бунга саёҳатчилар сонини кундан-кунга ошиб бориши ўз далилини кўрсатмоқда. ЮНЕСКО ўзининг таркибига кирувчи давлатларни Ўзбекистонни пойтахти - Тошкентнинг 2200 йиллигини нишонлашда иштирок этишга чақирди. Ўзининг қадимий тарихи ва навқирон “Шарқ юлдузи - Тошкент” билан танишишни хоҳловчи кўп сонли меҳмонлар келиши кутилмоқда. Бироқ барча аҳоли пойтахт тўғрисида етарлича маълумотга эга эмаслар.

- **Лойиҳа доирасида ўз ечимини топувчи, муаммо:** яшовчи аҳоли ва меҳмонларни Тошкент тўғрисидаги қисқа маълумотлар билан таъминлаш.
- **Лойиҳа мақсади:** Тошкент тўғрисида маълумотни ишлаб чиқиш.
- **Якуний натижа:** Тошкент тўғрисида қисқа ва тузилмавий ахборотни ўз ичига олувчи, маълумотнома.
- **Фойдаланувчилар:** Тошкент аҳолиси ва меҳмонлар.
- **Лойиҳа доираси:**

бажариш муддати: ...

иштирокчилар сони: бештагача

Лойиҳа гуруҳи иштирокчиларининг вазифалари ва фаолият турлари

- Ахборотларни йиғиш: қуйидаги мавзулар бўйича
 - Тошкент - Ўзбекистон пойтахти.
 - Тошкентнинг тарихий ўтмиши.
 - Тошкент: кеча, бугун, эртага.
 - Тошкент метрополитени.
 - Тошкент худудидаги архитектура ёдгорликлари.
 - Тошкент музейлари.
 - Тошкент театрлари.
- Маълумотномани расмийлаштириш.
- Лойиҳа фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот тайёрлаш.
- Лойиҳа фаолияти натижалари тўғрисида визуал (оғзаки) тақдимотни тайёрлаш.

Лойиҳа фаолиятини босқичма-босқич бажариш учун йўриқнома

1. Гуруҳ сардорини танланг.
2. Диққат билан лойиҳа топшириғи билан танишинг.
3. Маълумотнома тузилишини аниқланг.
4. Иштирокчилар ўртасида лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича ҳамда уни расмийлаштириш, тақдимотга ва ҳисоботга тайёрлаш бўйича вазифалар ва фаолият турларини тақсимланг.
5. Иш режасини тузинг

Лойиҳани бажариш бўйича иш режаси

Иштирокчилар исми ва шарифи	Вазифа, фаолият тури	Иш мазмуни	Тайёр маҳсул тури	Бажариш муддати

7. Натижаларни маълумотнома кўринишида материалларни расмийлаштириш (1-та талаба).

8. Ҳисоботни тайёрлаш йўриқномаси бўйича, ҳисоботни тайёрланг (2-та талаба) .

9. Лойиҳани Microsoft Power Point бўйича тайёрлаш йўриқномасидан фойдаланиб, тақдимотга тайёрланг (2-та талаба).

10. Лойиҳа тақдимотида гуруҳ аъзолари ўртасидаги вазифаларни аниқланг. Оғзаки тақдимотга тайёргарлик вақтида унинг қоидаларига риоя қилинг, оғзаки тақдимот сирларини эсдан чиқарманг.

- Титул вароғи.
- Аннотация.
- Кириш – маълумотли ахборотнинг моҳияти ва вазифаси очиб берилади.
- Тошкент - Ўзбекистон пойтахти.
- Тошкентнинг тарихий ўтмиши.
- Тошкент метрополитени.
- Тошкент худудидаги архитектура ёдгорликлари.
- Тошкент музейлари.
- Тошкент театрлари.
- Фойдаланилган манбалар рўйхати.

Лойиҳа иши тўғрисида ҳисобот тузилиши

- Титул варағи.
- Лойиҳани долзарблиги.
- Лойиҳа доирасида ўз ечимини топувчи, муаммо, лойиҳа мақсади, якуний натижа, фойдаланувчилар.
- Лойиҳанинг иш режасини (жадвал) баён этинг.
- Бажарувчиларни кўрсатган холда маълумотнома тузилишини қисқа баёни.
- Лойиҳа сифатини, лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиги, қийинчиликлар ва уни енгиб ўтиш йўллари баҳолаш.

Визуал тақдимот тузилиши

- Лойиҳа мавзуси. Бажарувчилар.
- Лойиҳани долзарблиги.
- Лойиҳа доирасида ўз ечимини топувчи, муаммо, лойиҳа мақсади, якуний натижа, фойдаланувчилар.
- Лойиҳанинг иш режасини (жадвал) баён этинг.
- Лойиҳа маъсули: маълумотнома:
 - титул вароғи;
 - аннотация;
 - мундарижа.
- Лойиҳа сифатини, лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиги, қийинчиликлар ва уни енгиб ўтиш йўлларини баҳолаш.

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳли лойиҳада қуйидагилар баҳоланади:

- Лойиҳа маҳсули- Маълумотнома (энг юқори 10 балл);
- ҳисобот (энг юқори 5 балл);
- лойиҳа тақдимоти (энг юқори 5 балл).